# Айёмингиз муборак бўлсин, азизларимиз!


2006 YIL 8 MART, CHORSHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 31 (7.024). Sotuvda erkin narxda


**Биз бундан буён ҳам аёлларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, уларнинг ақл-заковати, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.**

**Ислом КАРИМОВ**

# Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Ассалому алайкум, муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она диёримиз узра баҳор нафаси кеза бошлаган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март — меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан самимий қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Биз бетакрор юртимиз, гўзал ўлкамиз, барчани ўзига мафтун этадиган фусункор табиатимизни аёлларимизга хос бўлган қалб саховати, ҳаё ва иффат, вафо ва садоқат туйғуси билан, сабр-бардош ва меҳр-мурувват фазилатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, буларни Оллоҳнинг ўзи бизга берган тенгсиз ва хосиятли неъматлар деб тасаввур қилишимиз табиийдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, Яратганнинг буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қандай ёрқин тимсол ва ташбеҳлар камлик қилади.

Аёл деганда, кўз олдимизда авваламбор азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди, албатта.

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик - бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари, илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳаси бўладими, айниқса, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, миллий урф-одат ва қадриятларимизни сақлаш бўладими, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида меҳр-оқибат, соғлом турмуш тарзи, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш бўладими - буларнинг барчасида сиз, муҳтарама опа-сингилларимизнинг қандай жон куйдириб, фидокорона хизмат қилаётганингизни халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шу маънода, ҳеч шубҳасиз, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бош майдонида қад кўтарган, ўзида бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги, муаззам ёдгорлик мажмуига Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берганимиз ҳам қалбимиз тўрида аёл зотига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром, таъзим ва ташаккуримизнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Азиз опа-сингиллар!

Мамлакатимизда 2006 йилга «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб ном беришимиз муносабати билан биз ўз олдимизга қўйган муҳим ва улкан вазифалар авваламбор халқимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтариш, бунинг учун мавжуд барча салоҳият ва имкониятларни ишга солиш, бир ёқадан бош чиқариб, социал ва ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилгани ҳаммамизга яхши аён, деб ўйлайман.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар учун, айниқса, қишлоқ жойларда янги-янги иш ўринлари яратиш, биринчи галда хонадон бекаларига дуч келадиган уй-жой ва коммунал хизматлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича яна кўп иш қилишимиз лозимлигини, бу борада заҳматкаш ва камтарин опа-сингилларимиз олдида қарздор эканимизни ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Яқинда қабул қилинган шифокорлар ва ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, касаначилик фаолиятини ривожлантириш учун туғдириб берилаётган қулайлик ва имтиёзлар, ўйлайманки, ана шу йўлда янги амалий қадамлар бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиманки, биз бундан буён ҳам аёлларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, уларнинг ақл-заковати, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Қадрли опа-сингилларим!

Барчангизни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Толеингиз баланд, ризқи насибангиз зиёда, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат доим сизга ёр бўлсин!

Оилангизнинг бахту саодатини, фарзандларингизнинг камолини кўриш, ширин-шакар набираларнинг бешигини тебратиш ҳар бирингизга насиб этсин!

Хонадонларингиздан файзу барака аримасин!

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**





# Жамият кўрки ва таянчи

***Аёллар - жамият кўрки ва таянчи, меҳр-мурувват, эзгулик тимсоли. Хотин-қизларни асраб-авайлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Аёлларнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишдаги, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, буюк бунёдкорлик ишларидаги улушини, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етказишдаги ўрнини халқимиз, Ватанимиз юксак қадрлайди.***

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб 7 март куни ўтказилган тантанали байрам тадбирида ана шулар ҳақида гап борди. Бу ерга мунис онахонлар, турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган фидойи аёллар, иқтидорли қизлар таклиф этилди.



Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг мавқеини мустаҳкамлашга, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини янада оширишга, ҳуқуқий, интеллектуал, касб маҳорати ва савиясини юксалтиришга, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур ҳужжатга мувофиқ хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ва соғлом оилани шакллантиришга оид кўплаб хайрли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда юртимизнинг ҳар бир маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолият кўрсатаётгани миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг эъзозланишига, ёшларни зарарли ғоялар таъсиридан асрашга хизмат қилаяпти.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 мартдаги қарорига мувофиқ аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётгани ҳамда адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган иқтидорли қизларга совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлар топширилди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров меҳри дарё оналаримизни, опа-сингилларимизни байрам билан қутлади ва ўзининг янги шеърини ўқиб берди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали талабаси Замира Палуаниёзова, Бухоро санъат коллежи талабаси Моҳичеҳра Шомуродова юртимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини тўла намоён этиши учун барча шароитларни яратиб бериш борасида ғамхўрлик қилаётгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг ашула ва рақслари байрам дастурига янада файз бахш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***

**СУРАТЛАРДА:** байрам тадбиридан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

# Она меҳри – офтоб

***"Заминни болалар кўтариб туради", дейди шоирлардан бири. Бола кўтариб турган аёл эса бутун оламни бағрига олган билан баробар. Фарзанд учун она сиймоси қуёшдан чароғон, меҳри эса офтобдан ҳароратли. Гўдак она бағрини ҳаёт тимсолида кўради.***

Фарзандини эмизаётган она дунёдаги тугал бахтнинг тимсоли бўлиб кўринади. Бундан ўзга тиниқ, гўзал манзарани тополмайсиз. Фарзандини бағрига олиб турган аёл тинчлик барқарор бўлишини тилаётган, осойишта ҳаёт, сокинлик учун бетиним шукрона айтаётган муқаддас зот, фариштадай покиза хилқат саналади.

Фарзандини бағрига босган Онага ёвуз кимсаларгина қурол ўқталиши мумкин. Агар уларда зиғирчагина одамийлик туйғуси бўлса, йўқ, у бу ишга қўл уролмайди. Ахир фарзандини кўксига олган аёл тинчлик рамзи. Тинчликка ўқ отиб бўлмайди...

Фарзандини қучоғига олиб, унга меҳр кўзларини тикиб турган бахтиёр Онанинг шундай ҳолатини эзгуликка қиёсласак, минг чандон ҳақ бўламиз, деб ўйлайман.

Бағрига ўз жигарбандини босиб турган аёлнинг қалбида қуёш ҳарорати, чеҳрасида ой нурларидай тиниқлик balқийди. У бутун меҳр кўрини дилбандига улашади. Ана шу тушунча унинг фариштадай сиймосида, сурати ва сийратида бахтиёрлик ила қалқиб турганини кўрамиз. У фарзанди камолотини ўйлаб, айни шу ҳолатда дунёга тинчлик, осойишталик тилайди. Барча эзгу ўйлар унинг кўнглидан шиддатли дарёлардай тошиб чиқади. Шундай экан, буни эзгуликдан ўзга нарса, деб атай оламизми? Йўқ, албатта...

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

## Бугуннинг гапи

# Раҳбар масъулияти

***Кўкламги экиш мавсуми бошланишига саноқли кунлар қоляпти.***

***Хўш, бу масъулиятли паллага жойларда ҳар томонлама ҳозирлик кўрилганми?***

Ўтган йилги тажрибалар шуни кўрсатадики, чигит экиш мавсуми сусткашликни, ҳафсаласизликни, эътиборсизликни мутлақо ёқтирмайди. Айниқса, деҳқонга кўмакдош, елкадош бўлган техника воситаларини беками кўст ҳозирлашда кўзбўямачиликка йўл қўйган, эскича дунёқараш билан иш тутганлар жуда қаттиқ панд еб қоладилар.

Кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалиги, айниқса, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ҳақидаги фармон ва қарорлари ҳаётга татбиқ этилиши жуда катта ижобий самаралар беряпти. Фермерларга бугунги кунда республика ва жойлардаги тааллуқли идора ҳамда ташкилотларнинг елкадош, кўмакдош бўлишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу йилнинг ўзида фермерлар сафига яна 60 мингга яқин ер соҳибларининг қўшилиши ҳам эртанги тараққиётимизга мустаҳкам пойдевор яратилганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда)


Миллий ҳамда четэл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

"Пахта-Банк" - фаровонлигингиз калитидир!


# Яна гулламоқда ҳаёт дарахти



# Темир моддаси билан бойитилган ун

## саломатликнинг муҳим омили

***Инсон ҳар куни истеъмол қиладиган нон ва дон маҳсулотлари, чой, туз, ўсимлик ёғи, маъданли сув ҳамда бошқа неъматларни зарур моддалар билан бойитиш борасида кейинги йилларда дунё миқёсида ўзига хос тажриба тўпланди.***

Чунончи, тузга, ўсимлик ёғига йод қўшиш орқали одам танасининг ана шу зарур моддага бўлган талаб-эҳтиёжи қондирилади. Чойга олма, лимон, қулупнай ва бошқа меваларнинг шарбатларидан ҳосил қилинган дармондори моддаларни сингдириш ҳам истеъмолчиларга манзур бўлиб келмоқда. Юқорида таъкидланган неъматлар зарур моддалар билан бойитилишининг боиси шундаки, биз улардан доимий равишда фойдаланамиз. Ўсимлик ёғидан тайёрланган таом, туз, чой, минерал сув билан бирга вужудимизга ғоят керакли бўлган дармондорилар сингади ва соғ-саломат бўлишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ер юзида анемия, яъни камқонлик хасталиги жиддий муаммо ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг аниқлашича, дунё аҳолисининг 40 фоизи камқонликдан азият чекар экан. Бу хасталикнинг 75 фоизи темир моддаси танқислиги сабабли юзага келади. Инсон ўзига зарур бўлган темир моддасини турли нозneъматлардан, кўпроқ нон ва дон маҳсулотларидан олади. Одам организми учун қимматли бўлган бундай элемент буғдойда сероб бўлади.

(Давоми 3-бетда)

# Мулкдорлигимдан мамнунман

***Анча йиллардан буён қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайман. Болалигим ҳам далада ўтган. Бу мажбурият ёки топшириқ учун эмас, азбаройи ерга меҳрим тушганидан. Пайкалларни моҳир чеварларнинг сўзанасидай яшнатиб қўйгим келарди ўша пайтлар.***

## Тилак

Лекин қайда... Бугун ана шу орзуларим рўёбга чиқаяпти, десам янглишмайман. Фермерман. Истиқлол туфайли мулкдор бўлган мендек аёллар юртимизда минглаб топилади. Ўша мингларнинг бири эканлигимдан, кези келганда, фахрланаман. Аммо уларнинг муносиб вакиласи бўлишдек масъулият ҳам мудом қалбимда.

Биз фермер аёллар экин-тикин мавсумини байрам билан қарши оламиз. Қувноқ кайфиятда пайкални ҳозирлаб, чигит қадаймиз. Шу боисми, йилни шоду хуррамлик билан якунлаймиз. Гапимни мақтанишга йўймангу яхши ният яхши-да. Масалан, ўтган йили 460 тонна ўрнига 500 тоннадан зиёд пахта топшириб, пахтачиликнинг ўзидан 140 миллион сўм даромад қилдик. Шунинг учун бугун байрамларини нишонлаётган жами хотин-қизларга, касбдош дугоналаримга кўтаринки кайфият тилайман. Ишлари доимо бароридан келсин, хонадонларидан ҳеч қачон қут-барака аримасин.

**Юлдузхон ХОЛМАТОВА,**
**Дўстлик туманидаги "Юлдуз" фермер хўжалиги раҳбари.**

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | | |
|---|---|---|
| БЕНЗИН (76) | 521,4 ▲ | + 6,6 |
| БЕНЗИН (80) | 533,5 ▼ | - 0,3 |
| БЕНЗИН (91) | 600,6 ▲ | + 0,9 |
| ДИЗ.ТОПЛИВО | 399,1 ▼ | - 0,8 |
| МАЗУТ | 102,1 ▼ | - 2,0 |
| СЖ.ГАЗ | 240,9 ▲ | + 26,8 |
| МАСЛО ХЛОПК. | 867,3 ▼ | - 28,3 |
| САХАР | 782,2 ▲ | +110,2 |
| МУКА выс.сорт | 280,0 ▼ | - 0,2 |

# Махсар – кони фойда

***Республикамиз табиати, иқлим шароити, йилнинг уч юз кундан ошиқроғи қуёшли бўлиши, тупроғимиз унумдорлигининг ўзи бир хазина. Бекорга Ўзбекистонимизни жаннатмакон, тошида ҳам гул унади, дейишмайди.***

Кейинги вақтларда тоғли ҳудудларда, қир ёнбағирларида, лалмикор майдонларда чағаноқ тиканга ўхшаш ўсимликнинг гектарлаб экиллаганига кўпчиликнинг кўзи тушган. Бу ўсимлик махсардир.

– Махсар 60-70 сантиметр баландликкача ўсади, тупи сийрак, поялари бақувват ва ҳар қандай шамолга чидамли, – дейди қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Имомқул Ҳамроқулов. – Махсар ҳам бошоқли дон ўсимликлари каби лалми ва сувли ерларда гектаридан 10 центнердан 30 центнергача ҳосил беради. Донидан қарийб 30 фоиз ёғ, қолган чиқитидан кунжара олинади. Поясининг ёғлилик даражаси юқори бўлиб, ундан чорва учун тўйимли озуқа сифатида фойдаланилади. Айниқса, унинг хашак майдалагичлар ёрдамида тайёрланган ва озроқ комбикорма аралаштирилиб тайёрланган уни бўрдоқиларни тез етилади. Сигир ва эчкиларнинг сути ҳам кескин кўпаяди.

Мутахассислар фикрича, зиғир ва кунгабоқар каби махсарнинг донидан ҳам бемалол ўсимлик мойи олиш мумкин экан. Махсар мойи шифобахшлиги, маъданларга бойлиги ва экологик софлиги билан бошқа мойлардан афзал бўлса афзалки, зинҳор кам эмас. У сифатлилиги жиҳатидан зайтун мойи билан бир қаторда туради. Маълумки, пахта чигитидан ёғ олиш жуда мураккаб технологик жараён бўлиб, кўп меҳнат ва харажат талаб этади. Пахта мойи бир қанча кимёвий жараёнлар амалга оширилгач, истеъмол учун яроқли ҳолга келади. Тўғрисини айтганда, ҳозирда қўлбола жувозларда, уй шароитида анчагина пахта ёғи ишлаб чиқарилади. Уларнинг сифатига эса ҳеч ким кафолат бера олмайди. Махсардан эса ҳар бир деҳқон ўз шароитидан келиб чиқиб оддий жувоз ёки бошқа қурилмалар ёрдамида мой ажратиб олиши мумкин.

Яна бир қулайлик томони шундаки, махсар бизнинг шароитимизда август, сентябр ойларида, ғалла ўрадиган комбайнлар ишдан тўла бўшаган даврда пишиб-етилади. Махсар ҳосили шу агрегатлар ёрдамида ўриб-йиғиб олинса, дон комбайнларидан фойдаланиш коэффиценти ҳозиргига қараганда бир неча баробар ошади.

### Изланиш

– Биз бир неча йилдан буён шу ўсимликни экамиз, у жойида анча туриб қолганда ҳам дони тўкилиб кетмайди, – дейди Фориш туманидаги "Икромжон" деҳқончилик ва чорвачилик фермер хўжалиги раиси Акром Алимов. – Техникаларда ёки қўлда ўрилган майдонлардаги махсар поялари йиғиштириб олингач, ўша жойлардан чорва моллари учун яйлов сифатида бемалол фойдаланиш мумкин. Ёғга тўла поялар чорва молларига яхши таъсир қилганидан, бир неча ҳафтада молларнинг ўзгарганини кўриш мумкин бўлади.

Шу ўринда бир мулоҳаза: дейлик, бир гектар ерга экилган махсардан ўртача 20 центнердан дон олиниб, ундан 600 килограмм мой ишлаб чиқилса ва бозор шароитидан келиб чиқиб, ўртача 900 сўмдан сотилса ҳам 540 минг сўм даромад олинади. Йил давомида бир гектар ерни ҳайдаш, уруғ экиш, йиғиштириб олишга ўртача беш кун кетди, дейлик. Ёқилғи, техника хизмати, ишчи кучига 40-50 минг сўм сарфланганда ҳам махсар ҳосили деярли текинга тушади, десак муболаға бўлмайди. Бунинг устига, ундан мой олиш, юқорида айтганимиздек, жуда ҳам осон узоқ муддат сифати бузилмай сақланади.

– Заминимиздан ҳозиргидан-да юқорироқ ҳосил олиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда махсардан кенг фойдаланишимиз мумкин, – дейди Имомқул Ҳамроқулов. – Маълумки, бир хил экин узлуксиз экилавергач, ернинг унумдорлиги ўз-ўзидан пасайиб кетади. Фанда ҳам, тажрибада ҳам ерларга дам бериш ва унумдорлигини тиклаш учун беда алмашлаб экиш тавсия қилинади. Аммо, битта "лекин"и бор. Янгидан беда экилган майдонларда ернинг бир йил умри бекор ўтади. Негаки, янги беда биринчи йили деярли ҳосил бермайди, бир йиллик меҳнат, қанчадан-қанча сарф-харажатларнинг ўрни қопланмайди. Алмашлаб экишга тўсиқ бўлаётган сабаблардан бири ҳам шу бўлса, ажаб эмас.

Бизнингча, бу муаммонинг энг мақбул ечими беда билан бир вақтнинг ўзида махсар уруғини ҳам қўшиб сепишдир. Шунда биринчи йили бу майдондан мўл махсар ҳосили олиниб, ернинг умри бекор ўтмайди. Иккинчи йили мўл беда ҳосили олинса, учинчи йили тўйинган унумдор ерга пахтами ёки ғаллами экиб, кўзланган ҳосилни олаверасиз.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида кўплаб мутахассислар, фермерлару деҳқонлардан махсар тўғрисидаги фикрларини сўрадик. Шу нарсага амин бўлдикки, юртимизнинг каттагина қисмини суғорилмайдиган майдонлар ташкил этаркан. Ҳеч бўлмаганда, шу жойларга махсар экилган тақдирда ҳам тонна-тонна ем, минг-минг литр ёғ, гектар-гектар яйлов ва, энг асосийси, фойдаланилмай ётган кам ҳосилли, лалми ерлардан унумли фойдаланиш имкони пайдо бўлади.

**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Темир моддаси билан бойитилган ун

## саломатликнинг муҳим омили



(Боши 1-бетда)

Йирик корхоналарда донни қайта ишлаб, ун тайёрлаш жараёнида темир моддаси маълум даражада камаяди. Бу йўқотишнинг ўрнини тўлдириш мақсадида ривожланган мамлакатларда унни темир моддаси, фолий кислотаси ва бошқа микроэлементлар билан бойитиш йўлга қўйилган. Жаҳондаги 189 мамлакатдан 48 тасида инсон сиҳат-саломатлигига хизмат қилувчи шундай технологиядан фойдаланилмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлган мустақил мамлакатимизда ҳам бу борада кенг кўламдаги саъй-ҳаракатлар амалга оширилаяпти. Республикамизда "Унни бойитиш бўйича миллий дастур" изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ ёрдамида, "Овқатланишни яхшилаш бўйича глобал альянс – ГУАП" Халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда, қолаверса, унинг молиявий кўмагида бу соҳада бажарилаётган ишлар эътиборга молик. Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам камқонлик хасталиги, хусусан, темир моддасининг етишмаслиги кўпроқ хотин-қизлар ва болаларда учрайди. Маълумотларга кўра, республикамизда ҳомиладор аёлларнинг 80, туғиш ёшидаги хотинларнинг 60 ва болаларнинг 57 фоизида камқонлик хасталиги борлиги аниқланган. Бу муаммони бартараф этишга мамлакат раҳбарияти томонидан эътибор кучайтирилиб, бир қатор чора-тадбирлар кўрилаётганлиги, шу жумладан, "Ўздонмаҳсулот" компанияси тизимидаги бир қатор донни қайта ишлаш корхоналарида истеъмолда кўп фойдаланиладиган биринчи нав унни темир моддаси билан бойитиш йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

–Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган "Унни бойитиш бўйича миллий дастур"га асосан бу тадбир корхонамизда ҳам йўлга қўйилди, - дейди "Оҳангарондон" ОАЖ бошқаруви раиси Саидаҳмад Лутфуллаев. – Бунинг учун ун ишлаб чиқаришнинг якуний босқичида темир моддасини бир меъёрда қўшишда қўлланиладиган қурилмалар олиб келиниб ўрнатилди. Бошқа ишлар ҳам маромида адо этилди. Мана, уч ойдан ошдики, нон заводларимизда, аҳоли томонидан кўп талаб қилинадиган биринчи нав ун темир моддаси билан бойитилган ҳолда ишлаб чиқарилаяпти. Агар ҳар ойда беш минг тонна ун тайёрланишини, салмоқли қисми биринчи навга тааллуқли эканлигини ҳисобга олсак, ўтган қисқа муддатда 10 минг тоннадан зиёд темир моддаси билан бойитилган маҳсулот жўнатилганлигини таъкидлашимиз мумкин.



Дарҳақиқат, ишлаб чиқарилаётган темир моддаси билан бойитилган биринчи нав уннинг сифатли, стандарт талаблари даражасида бўлиши учун ҳар бир мутахассис, ишчи зиммасидаги вазифага масъулият билан ёндашмоқда. Тегирмон цехи смена устаси Маҳмуджон Парпиев, корхона ишлаб чиқариш техника лабораторияси мудири Шуҳрат Шокиров, лаборантлар Насиба Умархонова, Ильсияр Кунакбаева, Гулчеҳра Ғайбердиевалар технологиянинг бир маромда ишлаши, маҳсулотнинг сифатли бўлиши учун астойдил жон койитишаяпти.

–Қарийб уч юз ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонамизда замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиб, маҳсулот сифатини яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Чунки ҳозирги пайтда тайёрланаётган уннинг 70 фоизи биржа орқали сотилаяпти. Шу билан бир қаторда, экспорт масалалари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ, – дейди корхона бош муҳандиси Маъмуржон Усмонов. – Ҳозирги кунда Эронга 15 минг тонна ғаллани ўз вақтида жўнатиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Корхона дарвозасидан чиқаётган юк машиналаридаги ун солинган қопларга, улардаги ёрлиқларга назар ташласангиз, бутун дунё бўйича қабул қилинган "Соғломлаштирувчи маҳсулотлар" белгисига кўзингиз тушади. Бу халқимизга темир моддаси билан бойитилган неъмат – ун етказиб бериш тобора кўпаяётганлигидан далолат беради.

**С.АЛИЕВ**

***

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**




**Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!**

**ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!**



**"Ўзқишлоқмашхолдинг" компанияси таркибидаги "AGRIXIM" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган олти хил – пахтачилик-боғдорчилик учун "VP-1" русумли пуркагич-чангитгич, шунингдек "Кариола-С-100", "ОРПД-12/М", "Аида", "Леонора", "Асусена" пуркагичларига "Ўзстандарт" агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилаяпти.**





**Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳовли-жойлардаги дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.**





***Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.***

**Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30. Тел.: (998-71) 169-49-33, 169-49-44 (тел-факс), 169-35-46 (тел-факс)**

e-mail: agrichim@mail.st.uz


### Хабар

# Умуммиллий дастур – келажак пойдевори

***Самарқанд вилоятида "Миллий дастур – келажак пойдевори" мавзусида ўтказилган икки кунлик семинарда Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармаси етакчилари, республикамизда фаолият юритаётган ОАВ вакиллари иштирок этишди.***

Семинарнинг дастлабки кунида қатнашчилар аввало Самарқанднинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишди. Иккинчи куни мазкур вилоятнинг шаҳар ва қишлоқ туманларида 2004-2005 йилларда янгидан бунёд бўлган, капитал реконструкция қилинган ва капитал таъмирланган мактаблар билан яқиндан танишдилар. Каттақўрғон шаҳридаги 17-ихтисослашган умумтаълим мактаби ва унинг замонавий спорт мажмуаси, Каттақўрғон туманидаги "Янги ҳаёт", "Калқўрғон", "Худойқулобод" ва бошқа қишлоқларида барпо бўлган чиройли мактаблар, Самарқанд туманидаги бир қанча ўқув даргоҳларини кўриб, Юртбошимиз томонидан келажак авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликларни яна бир бор дилдан ҳис қилдилар.

Семинар сўнгида ўтказилган матбуот анжуманида Халқ таълими вазири ўринбосари Усмонали Мусаев, матбуот гуруҳи раҳбари Ҳасан Қудратиллаев, Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Бобоёровлар давлат умуммиллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Зардўзлар



***Улар зардўзлар оиласида туғилиб улғайганлари боис бу касбнинг нақадар оғир ва саботталаблигини эрта англадилар. Шунга қарамасдан болаликдан зардўзликка меҳр қўйиб, ота-оналари сингари ҳунарманд бўлдилар.***

Бахшулла халқ амалий санъати сирларини чуқурроқ ўрганиш учун Бухоро давлат педагогика институтининг бадиий-графика факультетида таълим олди. Муқаддас тиккан зар дўппилар таърифи эл оғзига тушиб, буюртмалар кўпайиб қолди. Бахшулла истеъдоди ва ташкилотчилиги билан обрў-эътибор топди, уни "Зардўз" фабрикаси бош рассоми этиб тайинлашди.

–Ўша кезларда зардўзлик бу – санъаткорлик, деган қатъий фикрга келдим, - дея эслайди. Бахшулла ака. – Санъат эса, аввало, гўзалликдир. Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг: Гўзалликни фабрика конвейерида яратиб бўладими?

Шу тариқа унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини буюртмачи талабига кўра тезда ўзгартира оладиган кичик корхона тузиш ғояси туғилди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ҳунармандларнинг биринчи корхоналаридан бири – "Совға" зардўзлик маркази вужудга келди.

Улар уста-шогирд усулида ишлаб, 50 дан зиёд моҳир зардўзларни тайёрладилар. Ҳунармандчиликни бизнес асосида ривожлантиришга бел боғлаган Бахшулла маҳсулот турини янгилаш, хориж бозори талабини ўрганиш, анъанавий зардўзликни замонавий дизайн билан уйғунлаштириш борасида бетиним изланди. Натижада "Совға"нинг маҳсулотлари чинакам совғабоп бўла борди. Улар қўлидан чиққан халқ амалий санъати намуналари АҚШ, Франция, Германия, Япония, Хитой каби мамлакатларнинг музейларидан, хусусий коллекциялардан ўрин олди. Бу борадаги ютуқлари учун "Ташаббус-97" республика танловида Бахшулла Жумаев мамлакатнинг энг яхши ҳунарманди, деб топилиб, Президент совғаси – "Тико" автомобили билан мукофотланди. "Совға" зардўзлик маркази маҳсулотлари Женевада кўплаб мамлакатлардан келган ҳунармандлар иштирокида ўтказилган халқ амалий санъати фестивалида "Сифат Олтин Юлдузи"га лойиқ кўрилганини эшитиш мароқлидир.

–Бу Юртбошимизнинг ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўрсатаётган катта эътиборлари натижасидир, - дейди Бахшулла ака. –Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони касаначилик асосида ишлаётган ҳунармандларни моддий ҳамда ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда жуда катта аҳамиятга эга. Мен ана энди касаначининг елкасига офтоб тегди, деган бўлур эдим.

### Интилиш

Бахшулла аканинг фикрларида жон бор. Кўплаб завод-фабрикалар ихчамлашиб, кичик корхоналарга айлана борган сайин касаначиларга қийин бўлаётганди. Дейлик, Бухоро шаҳридаги "Зардўз" ҳиссадорлик жамиятида бир пайтлар икки минг нафар ишчи меҳнат қиларди. Шуларнинг 500 нафарини касаначилар ташкил этарди. Фабриканинг Ғиждувон ва Шофирконда, Бухоро туманидаги "Маданият" ширкат хўжалигида филиаллари бор эди. Мулк шакли ўзгаргач, уйида касаначилик асосида ишлайдиган кўплаб аёллар ишсиз қолишди.



Тўғри, баъзи ҳунармандлар ўз кичик корхоналарини очишди. Аммо қўлида сармояси, зарур жиҳозлари бўлмаган касаначи қандай қилиб мустақил ишлай олсин?

–Шу боисдан Фармон шарофати билан касаначилар учун янги имкониятлар юзага келди, –дейди Бахшулла ака. –Фикримча, макарон ва ун ишлаб чиқарувчи корхоналарда, мебел саноатида касаначилар хизматига эҳтиёж бор. Баъзи таклифларим ҳам йўқ эмас. Нафақат йирик корхоналар, балки касаначиларни зарур меҳнат шароити билан таъминлаш имконига эга барча корхоналар ҳам бу хайрли ишга жалб қилинса, яхши бўлур эди. Қишлоқда иш ўринлари яратиш нуқтаи назаридан бу жуда муҳим. Қолаверса, туманларда йирик корхоналар жуда оз. Ундан ташқари, касаначиларга табиий газ, электр энергиясидан фойдаланишда, жуда бўлмаганда, маълум бир муддатга имтиёз берилса яхши бўларди.

"Совға" марказининг шу кундаги фаолияти эса қизғин. Муқаддас опа шогирдлар тайёрлашда давом этаяпти. Марказ кўҳна Бухоронинг қоқ маркази – Тоқи Заргаронда жойлашгани боис бу ердан хорижий сайёҳларнинг қадами узилмайди. Зардўзлик буюмлари ёнидан яқиндан бошлаб миниатюра санъати намуналари ва заргарлик маҳсулотлари ҳам ўрин олди. Бахшулла аканинг ўғиллари – Бобур ва Нодиржон ана шу икки ҳунарни эгаллаб, ўз иқтидорларини юзага чиқараяптилар.

Ҳунардан бахт топган бундай оилага ҳавас қилмай бўладими?

**Абдужалил ХАЛИЛОВ,**
**Истам ИБРОҲИМОВ.**

Суратларда: 1. Марказдаги зардўз қизлар устози Муқаддас Жумаева.
2. "Совға" маркази раҳбари Бахшулла Жумаев ва ўғли Нодиржон.


Совместное предприятие "Grace International LTD" объявляет об уменьшении Уставного фонда с 1 миллиона до 541677,87 долларов США. Вопросы по тел.: 191-36-48.

Продаю компьютеры Pentium-3. Тел.: (83712) 45-18-78.

Утерянный гос.ордер № 04-02/486 от 09.12.1992 г. права собственности Абдуллаевой Очил Яхяевны на квартиру, считать недействительным.

ЧП "BELMUS TH" (код по ОКПО 20224167), зарегистрированное в Мирабадском районе г.Ташкента, ликвидируется. Претензии принимаются в течении 1 месяца со дня опубликования объявления.
Тел: 191-26-04.





# Даромад солиғидан кимлар озод этилган?

**Савол. Қайси тоифадаги фуқаролар даромад солиғи тўлаш мажбуриятидан тўла озод этиладилар?**

**Н.МУРОДОВ,**
**Пешку.**

**Жавоб:** Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 1 декабрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2005 йил 3 декабрда маъқулланган, ЎзР 27.12.2005 й. ЎРҚ-17-сон Қонуни билан амалда бўлган Солиқ кодексининг 59-моддасига асосан жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқдан тўлалигича қуйидаги шахслар озод этилади;

а) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, –Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

б) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса – Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадлардан ташқари барча даромадлари бўйича;

в) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

г) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

д) ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари – агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, ушбу ташкилотлардан олган даромадлари бўйича;

е) Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига мансуб шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар-хизматни ўташ (хизмат вазифасини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўлов суммалари бўйича;

ж) гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар – гастрол-концерт фаолиятидан олинган даромадлари бўйича; (ЎзР 30.08.2001 й. 271-II-сон Қонуни таҳриридаги банд)

з) прокуратура органларининг даража унвонларига эга бўлган ходимлари. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги банд)

# Имтиёз ҳуқуқи нималардан иборат?

**Савол. Йил давомида солиқ юзасидан имтиёзлар вужудга келса ёки барҳам топса, нима қилиш керак?**

**Б.ҚЎЗИЕВ,**
**Тошкент.**

**Жавоб:** Жисмоний шахс олаётган даромадларидан энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги имтиёзга эга бўлганлиги тўғрисидаги ҳуқуқ юзага келган бўлса, у ойнинг бошидан асосий иш жойидан даромад тўлаётган юридик шахсга имтиёз ҳақидаги маълумотномани тақдим этади ёки асосий иш жойи бўлмаса, яшаш жойидаги солиқ органларига декларация топширганда тақдим этади. Агарда жисмоний шахснинг даромадларига қўлланилаётган имтиёзлар ҳуқуқи тугаган бўлса, 15 кун ичида унинг даромадларидан солиқ ушлаб қоладиган юридик шахсга ёки солиқ органларига (агар ҳисоб-китобни мазкур орган амалга оширса) маълум қилиши керак.

# Ташқи даромадлар солиққа тортиладими?

**Савол. Ўзбекистондан ташқаридаги манбалардан даромад солиғи олиш қандай хусусиятга эга?**

**С.РАҲМОНОВ,**
**Чироқчи.**

**Жавоб:** Солиқ кодексининг 46-моддасида Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган солиқнинг ҳисобга олиниши келтирилган бўлиб, унда қуйидагилар акс эттирилган:

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи суммалари Ўзбекистон Республикасида солиқни тўлашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳисобга олинади. Ҳисобга олинадиган суммалар миқдори жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан ошмаслиги лозим.

# Якка тартибдаги тадбиркорларга қандай енгилликлар бор?

**Савол. Патент асосида якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга ҳам солиқ юзасидан имтиёзлар бериладими?**

**М.ҒУЛОМОВ,**
**Бўка.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.03.2005 йилдаги 3588-сонли "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан ҳокимликлар ва солиқ органларидан рўйхатдан ўтган, хонадон шароитида бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат (таркиби белгиланган) буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар 2008 йил 1 апрелгача даромад солиғи тўлашдан озод этиладилар.

Шу билан биргаликда, ушбу Фармон билан хонадон шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг белгиланган таркибдаги буюмларини ишлаб чиқарувчи, якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар ўз маҳсулотларини республикадан ташқарига сотишлари чоғида улардан олинадиган бож ҳам бекор қилинган.

**Акром АМАНОВ,**
**Тошкент Молия институти "Солиқ ва солиққа тортиш" кафедраси катта ўқитувчиси.**


ЦЕМЕНТ (Ахангаран) 70,0 ▲ + 0,4 | УГОЛЬ (бпк) 12,6 ▼ - 0,07 | АРМАТУРА 489,7 ▲ + 13,9 | СУПЕРФОСФАТ 78,1 ▼ - 7,6 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 204,8 ▲ + 11,9

Символы цен: ▲+ Увеличилась; ± не изменилась; ▼- Снизилась; +0,0 на сколько сум. Сум/кг. Средневзвешенные цены за неделю для заключения прямых договоров на сайте: UZEX.COM УзРТСБ

